
ТУМАН ҲОКИМИНИНГ САЙЁР ҚАБУЛИ

◁Одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, уларнинг муаммоларини ўрганиб ижобий ҳал қилиш масаласи бугун ҳар бир давлат идораси зиммасидаги энг муҳим вазифадир.

□Риштон туманида Тўраобод МФЙда жойлашган 1-сектор штабида туман ҳокими томонидан навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

□Мазкур сайёр қабул давомида Риштон туман ҳокимига 15 нафарга яқин фуқаролар субсидия, уй-жой, қурилиш, тадбиркорлик, моддий ёрдам ва ишга жойлашиш масалаларида мурожаат қилишди.

□Мурожаатларнинг 3 таси жойида ҳал этилиб, қолган муаммолар бўйича мутасаддилар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, шунингдек уларни ҳал этиш учун маъсуллар бириктирилди.

????Қабул давомида Тўда ва Тўраобод МФЙ раислари ва мутасадди раҳбарлар ҳам ўз фуқароларни қабул қилиб, муаммоларни ўрганишди.

2021-07-16 15:13:23